

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЛАТИПОВ ШЕРХОН ШУҲРАТОВИЧ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТЛАРИНИ  
ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР ЭҲТИМОЛЛИ ВА ҚИСМАН  
НОАНИҚ БЎЛГАН ШАРОИТЛАРДА ОПТИМАЛЛАШ**

**05.05.02 – «Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Латипов Шерхон Шухратович**

Электр энергетика тизимининг ҳолатларини дастлабки маълумотлар  
эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда  
оптималлаш.....3

**Латипов Шерхон Шухратович**

Оптимизация режимов электроэнергетических систем в условиях  
вероятности и частичной неопределенности исходной  
информации.....26

**Latipov Sherkhon Shukhratovich**

Optimization of electrical power systems modes in conditions of probability and  
partial uncertainty of initial information.....48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.T.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЛАТИПОВ ШЕРХОН ШУҲРАТОВИЧ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТЛАРИНИ  
ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР ЭҲТИМОЛЛИ ВА ҚИСМАН  
НОАНИҚ БЎЛГАН ШАРОИТЛАРДА ОПТИМАЛЛАШ**

**05.05.02 – “Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1448 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети» да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гайибов Тулкин Шерназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппанентлар:**

**Тоиров Олимжон Зувурович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Садуллаев Насулло Нематович,**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «1» декабрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (177 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 227-03-41; факс: (99871) 227-10-32.

Диссертация автореферати 2020 йил «19» 11 куни тарқатилди.  
(2020 йил «19» 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



**Қ.Р. Аллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**О.Х. Ишназаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**И.М. Ибадуллаев**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда энергетика соҳасининг долзарб вазифаларидан бири сифатида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш жараёнида тизимнинг энергия ресурслари истеъмолини камайтиришга олиб келувчи иш режимларини аниқлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «энергетика тизимларининг режимларини дастлабки маълумотларнинг ноаниқлигини эътиборга олиб оптималлаш натижасида иқтисодий харажатларни 1,6% гача камайтириш мумкинлиги аниқланган»<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан энергетика тизимларининг режимларини оптимал режалаштириш масалаларида, дастлабки маълумотлар сифатида баъзи бир хатоликларга эга бўлган усуллар билан башорат қилиш асосида аниқланган схемаларининг ҳисобланган катталиклари ва электр энергиясини истеъмол қилиш тугунларининг юқламасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда оптималлаштиришда фойдаланилувчи дастлабки маълумотларнинг турли факторлар таъсирида юзага келувчи хатоликларни аниқлаш ва уларни тузатиш омилларини киритиш орқали ҳисобга олишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, катталикларнинг ҳақиқий электр энергетикаси тизимлари режимларини режалаштирилганидан четга чиқиш даражасини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлганда электр энергетика тизимларининг режимларини оптималлаштиришнинг мавжуд усул ва алгоритмлари мукамал эмас. Шу сабабли электр энергетика тизимларининг режимларини чегаравий шартларни ва таъсир қилувчи омилларни эътиборга олган ҳолда оптималлашнинг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг энергетика тизими, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, давлатлараро энергия бирлашмасинининг таркибида бир катор кўшни давлатларнинг энергетика тизимлари билан параллел равишда ишлайди. Бунда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясига мувофиқ равишда «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, саноат иқтисодиётида меҳнат унумдорлигини ошириш...»<sup>2</sup> асосий вазифалардан биридир. Мазкур

<sup>1</sup> Tianqi Hong., Ashhar Raza and Leon Fellow., Optimal Power Dispatch Load Uncertainty Using a Stochastic Approximation Method. /IEEE TRANSACTIONS ON POWER SYSTEMS, VOL. 31, NO.6, NOVEMBER 2016.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

вазифаларни амалга ошириш, жумладан электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда тенгсизлик кўринишида ифодаланган ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил апрел ойида қабул қилинган «Энергиядан рационал фойдаланиш» (№412-1) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 -сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012 -сон «2017-2021 йилларда ижтимоий соҳа ва саноат соҳаларида энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчан энергия манбаларини қўллашни янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда қисман хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Электр энергетика тизимлари режимларини турли хил бошланғич маълумотлар мавжуд бўлганда оптималлаштириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан, University California (АҚШ), New Jersey University (АҚШ), Polytechnic University Milan (Италия), University of Limburg in Maastricht (Бельгия), Mersin University (Туркия), Tallinn University of technology (Эстония), Tokyo Metropolitan University (Япония), South China University of Technology (Хитой), Western Australia University (Австралия), Мелентев номидаги энергия тизимлари Институти (МЭТИ, Россия), Новосибирск техника Университети (Россия), Урал политехника Университети (УПУ, Россия), Миллий тадқиқот Университети (МТУ, Россия), Бутунроссия илмий-техника Институти (БРИТИ, Россия), Тошкент давлат техника Университети, «Илмий-техник марказ» МЧЖ (Ўзбекистон), «Ўзэнергомарказ» МЧЖ (Ўзбекистон) ҳамда бошқаларда кенг қамровли тарзда олиб борилмоқда.

Дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимларининг режимларини ҳисоблаш ва оптималлаштириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш и такомиллаштиришга хорижий олимлардан Shuya Li, David W. Coit, Braspenning, P.J., Jia N.X., Yokoyama R., Zhu J., Yurievich J., Valdma M., Liik O., Tammoja H., Abasi K., Colorni A., Совалов С.А., Руденко Ю.Н., Семенов В.А., Воропай В.И., Арзамасцев Д.А., Гамм А.З., Мисриханов М.Ш.,

Обоскалов В.П., Манусов В.З., Шепилов О.Н., Лыкин А.В., Гонштейн В.М., Цветков Е.В. кабилар ва Республикамининг атоқли олимлардан Фазылов Х.Ф., Насиров Т.Х., Аллаев К.Р., Абдуллаев Д.А., Соколов В.К., Юлдашев Х.Ю., Гайибов Т.Ш., Сытдыков Р.А., Хамидов Ш.В., Шарипов У.Б. ва бошқалар катта ҳисса кўшишган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, тенгсизлик кўринишида ифодаланган ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптималлаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда тенгсизлик кўринишида ифодаланган ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилиб, уларнинг ечимлари таклиф этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-128 «Ўзбекистон Республикасининг асосий электр тармоқлари орқали электр энергияни узатишдаги исрофларни манбаларнинг реактив қувватлари ва трансформаторларнинг трансформациялаш коэффициентларини оптималлаштириш орқали минималлаштириш» (2012-2014 й.), ва А-3-96 «Ўзбекистон Республикаси энергетика тизимида энергия истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқариш» (2015-2017) мавзусидаги илмий тадқиқот иши режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тенглик ва тенгсизликлар кўринишидаги ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптимал режалаштириш масалаларини ечишнинг усул ва алгоритмларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини оптимал режалаштиришнинг мавжур ҳолатининг тадқиқи ва таҳлили;

тенгсизлик кўринишидаги оддий ва функционал чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли ва қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимларининг режимларини оптималлаштириш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштириш;

дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида оптимал режани танлаш учун фойдаланиладиган кўшимча мезонларнинг самарадорлигини баҳолаш алгоритмини яратиш;

дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимларининг режимларини оптималлаштириш масалаларини ечиш учун интервалли ҳисоблаш усулларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ўрганиш;

дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптималлаштириш масаласини ечиш учун регрессия усулларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш.

дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли ва қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимларининг режимларини оптималлаштириш масалаларини ечишда частотанинг ўзгаришини ҳисобга олиш масаласини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳисобий электр станциялари ва эҳтимолли характерда ва қисман ноаниқ бўлган юкламали электр энергетика тизимлари ҳамда иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сарфи харажатлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** барча турдаги ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли ва қисман ноаниқлиги шароитларида электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптимал режалаштиришнинг математик моделлари, усуллари ва алгоритмларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Электр энергетика тизимларининг режимларини ҳисоблаш ва оптималлаштиришнинг замонавий назариясига, чизикли ва ночизикли математик дастурлаш усулларига, эҳтимоллар назариясига ва математик статистикага, шунингдек тизимли таҳлил усулларига асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш режимларини истеъмолчиларнинг юкламалари бўйича дастлабки маълумотларнинг эҳтимоллиги шароитида тенглик ва тенгсизликлар кўринишидаги оддий ва функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптимал режалаштириш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган;

электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш режимларини истеъмолчиларнинг юкламалари бўйича дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптимал режалаштириш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган;

дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимларининг иш режимларини оптималлаштириш масалаларини ечишда фойдаланилувчи кўшимча мезон ишлаб чиқилган;

дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимларининг иш режимларини барча турдаги режим ва технологик чегаравий шартларни эътиборга олган ҳолда интервалли ҳисоблаш усуллари асосида оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

истеъмолчиларнинг юкламалари бўйича дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика



тизимларининг иш режимларини частота ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлганда чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштиришда фойдаланилувчи алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган;

электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли ва қисман ноаниқлиги шароитларида барча турдаги ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптимал режалаштириш учун алгоритмлар ва ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган;

режалаштириш даврининг ҳар бир оралиғида ҳисобий станцияларнинг оптимал қувватларини аниқлаш, электр станциялари ва электр тармоқлари элементларининг оптимал иш ҳолатини аниқлаш ҳамда энергетика тизимидаги частота ўзгаришларини оқилона ҳисобга олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини ҳисоблашнинг замонавий назарияларига, чизикли ва ночизикли математик дастурлаш усулларига, эҳтимоллар назариясига ва математик статистикага, шунингдек тизимли таҳлил қилиш усулларига асосланган замонавий воситалар ҳамда тадқиқот усуллари ёрдамида кўплаб экспериментал ҳисоб-китоблар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларида тенгсизлик кўринишидаги ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олиб аниқлаш имконини берувчи усуллар ва алгоритмлар билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлганда чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш дастурлари билан характерланади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар ва ҳисоблаш дастурлари электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли ва қисман ноаниқлиги шароитларида барча ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптимал режалаштириш; режалаштириш даврининг ҳар бир вақт оралиғида ҳисобий станцияларнинг оптимал қувватларини аниқлаш; электр станциялари ва электр тармоқлари элементларининг оптимал иш режимлари ҳисоблаш; энергетика тизимидаги частота ўзгаришларини оқилона ҳисобга олишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш режимларини дастлабки маълумотлар

эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш учун ишлаб чиқилган математик моделлар ва алгоритмлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш режимларини истеъмолчиларнинг юкламалари бўйича дастлабки маълумотлар эҳтимоллиги ва қисман ноаниқлиги шароитларида тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптималлаштириш алгоритми Ўзбекистон Республикаси Миллий диспетчерлик марказида суткалик иш режимини оптималлаштириш учун жорий қилинган («Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖнинг 2020-йил 17-сентябрдаги 01-02-06/3238-сонли маълумотномаси). Натижада бир сутка давомида иссиқлик электр станцияларидаги шартли ёқилғи сарфини 15,8 тоннага камайтиришга эришилган;

истеъмолчиларнинг юкламалари бўйича дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш режимларини чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда оптимал режалаштириш алгоритми Ўзбекистон Республикаси Миллий диспетчерлик марказида энергетика тизимининг қишки мавсуми иш режимларини оптималлаштириш учун жорий қилинган (2020-йил 17-сентябрдаги 01-02-06/3238-сонли маълумотнома, «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ). Натижада қишки мавсум давомида 1024,33 тонна шартли ёқилғини тежашга эришилган;

электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш режимларини истеъмолчиларнинг юкламалари бўйича дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли ва қисман ноаниқлиги шароитларида барча чегаравий шартларни ҳисобга олиб, қўшимча мезондан фойдаланиш асосида оптималлаштириш алгоритми Ўзбекистон Республикаси Миллий диспетчерлик марказида жорий этилган (2020-йил 17-сентябрдаги 01-02-06/3238-сонли маълумотнома, «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ). Натижада иссиқлик электр станцияларида бир йилда ёқилғи сарфи харажатларини 215,72 млн. сўм га камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий ва амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 5 та мақола (Scopus маълумотлар базасига киритилган конференцияларда 2 та мақола), ОАК томонидан докторлик диссертациялари (PhD)нинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган республика ва хорижий журналларда 3 та мақола, 2 та ЭҲМ дастурлари учун гувоҳнома, илмий анжуманлар тўпламларида 3 та тезис мавжуд.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида Диссертация тадқиқотининг зарурлиги ва долзарблигининг асосланиши, мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикасида илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланади, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти тавсифланади, тадқиқот натижаларини амалга ошириш, апробация қилиш ва нашр этиш, шунингдек диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда электр энергетика тизимларининг режимларини оптималлаштиришнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш**»да барча ўзгарувчилар учун электр энергетика тизимлари (ЭЭТ) режимларини комплекс оптималлаштириш масаласи шакллантирилган ва уни иккита кичик масалаларга-ЭЭТ ҳолатини актив қувват бўйича оптималлаш ва электр тармоғи режимларини оптималлаштириш масалаларига декомпозициялаш орқали ечишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Электр энергетика тизимларининг режимларини дастлабки маълумотлар эҳтимолли характерда ва қисман ноаниқ бўлган шароитларда оптималлашнинг усул ва алгоритмлари таҳлил қилинган.

Ҳозирда кўриб чиқилаётган масалани ечишнинг классик, регрессион, эвристик, эволюцион, мавҳум кўпайтувчилар ва бошқа оптималлаштириш усуллари мавжуд. Уларнинг таҳлили асосида қўйилган масалани ечиш усуллари ва алгоритмлари, дастлабки маълумотлар эҳтимолли ва қисман ноаниқ бўлганда тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги оддий ва функционал чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, тезликни ростлагичларнинг статик тавсифларига мувофиқ электр станцияларининг юкламаларини оптимал бошқариш, ечимнинг аниқлигини ошириш йўналишида мавжуд усул ва алгоритмларни такомиллаштирилиши керак, деган хулоса қилинди.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли шароитида электр энергетика тизимлари режимларини оптималлаш**»да дастлабки маълумотлар эҳтимолли бўлган шароитда ЭЭТ режимларини оптималлаштириш масаласини ўрганишга бағишланган. Бундай вазифаларда электр тармоқлари катталиклари ва тугунларнинг юкламалари ҳақидаги маълумотлар эҳтимолли ёки қисман ноаниқ характерга эга бўлиши мумкин. Электр тармоқлари катталикларининг бу табиати об-ҳаво шароитлари билан боғлиқ. Тузатиш коэффициентларини жорий қилиш асосида ЭЭТ режимларини оптималлаштириш учун бундай омилларни ҳисобга олишнинг мавжуд усуллари ушбу катталикларнинг қийматларини амалий мақсадлар учун етарли аниқлик билан аниқлашга имкон беради. Бироқ, тугун юкламаларининг ушбу хусусиятини ҳисобга олиш махсус усуллар ва алгоритмлардан фойдаланишни талаб қилади.

Шундай қилиб, тугунлар юкламаларининг эҳтимолли шароитида режалаштириш даврининг исталган оралиғида ЭЭТ режимларини оптималлаштириш масаласи қуйидагича шакллантирилиши мумкин: иссиқлик электр станцияларида (ИЭС) умумий ёқилғи харажатлари функцияси

$$B = \sum_{t=1}^T B_t, \quad (1)$$

энергетика тизимида қувват баланси

$$\sum_{t=1}^T P_t = \sum_{k=1}^K P_k, \quad (2)$$

станцияларнинг минимал ва максимал мумкин бўлган қувватлари

$$P_t^{\min} \leq P_t \leq P_t^{\max}, \quad t=1, 2, \dots, T, \quad (3)$$

ва назорат қилинадиган электр узатиш линияларидаги (ЭУЛ) минимал ва максимал қувват оқимлари

$$P_l^{\min} \leq P_l \leq P_l^{\max}, \quad l=1, 2, \dots, L, \quad (4)$$

бўйича чегаравий шартларни ҳисобга олиб минималлаштирилсин

бу ерда  $T, K$  - ЭЭТда ҳисобий ИЭС ва юклама тугунлари сони;  $P_t, P_t^{\min}, P_t^{\max}$  -  $t$ -чи ИЭС қувватининг ҳисобий ва бошланғич чегаравий қийматлари;  $P_l, P_l^{\min}, P_l^{\max}$  -  $l$ -чи назорат қилинадиган электр узатиш линияси бўйлаб актив қувват оқимининг ҳисобий ва бошланғич чегаравий қийматлари;  $P_k$  - тақсимот қонуни маълум бўлган эҳтимолли харақтердаги  $k$ - тугуннинг юкламаси.

Юқорида келтирилган масаланинг ечими (2) - (4) чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда (1) мақсад функциясининг математик кутилмасини минимумга келтириш орқали топилади. Алгоритмни тавсифлаш учун битта тугундаги юклама эҳтимолли бўлган ҳолатни кўриб чиқамиз:

бошланғич катталиқ  $P$  нинг маълум бир ўзгариш оралиғида  $m$  та қисм танлаб оламиз, унда  $P_1, P_2, \dots, P_m$  қийматлари берилган, ҳар бир танланган қийматнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги мос равишда  $p_1, p_2, \dots, p_m$  га тенг;

бошланғич катталиқнинг танланган қийматлари учун  $m$  марта аниқ оптималлаш масаласи ечилади. Натижада, устун матрица кўринишига эга бўлган шартли-оптимал ечим  $Z_1, Z_2, \dots, Z_m$  лар топилади;

бошланғич катталиқнинг маълум қийматлари ва олинган шартли-оптимал ечимлардан фойдаланиб, мақсад функциясининг тегишли қийматлари ҳисоблаб чиқилади, бу эса ЭЭТдаги умумий ёқилғи харажатлари (ёки эквивалент ёқилғининг умумий истеъмоли) функцияси бўлади

$$B_{ij} = f(Z_i, P_j); \quad i=1, 2, \dots, m; \quad j=1, 2, \dots, m, \quad (5)$$

$m \cdot m$  ўлчамдаги матрицани ташкил этадиган; ҳар бир шартли-оптимал ечим  $Z_m$  учун мақсад функциясининг математик кутилмалари ҳисобланади:

$$MB_t = \sum_{j=1}^m p_j B_{tj}, \quad t=1, 2, \dots, m; \quad (6)$$

мақсад функцияси  $Z_m$  нинг математик кутилмаси минимал қийматга эга бўлган қиймати оптимал ечим деб қабул қилинади.

Агар дастлабки эҳтимолий катталикларда мос равишда иккита катталик,  $P_{1i}$ ,  $i = 1, 2, \dots, m$  ва  $P_{2j}$ ,  $j = 1, 2, \dots, n$ , тегишли таксимот қонунлари  $p_{1i}$ ,  $i = 1, 2, \dots, m$  ва  $p_{2j}$ ,  $j = 1, 2, \dots, n$  билан берилган бўлса, у ҳолда ушбу алгоритм бўйича ҳисоблаш натижасида олинган шартли-оптимал ечимлар тўплами, элементлари  $Z_{ij}$ ,  $i = 1, 2, \dots, m$  бўлган икки ўлчовли матрицани ҳосил қилади;  $j = 1, 2, \dots, n$ . Шунга кўра, ушбу ечимларни амалга ошириш шартлари ва матрица сифатида белгиланган элементлар билан уч ўлчовли

$$B_{ijk} = f(Z_i, P_{1i}, P_{2j}), \quad i=1, 2, \dots, m; \quad j=1, 2, \dots, n; \quad k=1, 2, \dots, n.$$

олинган шартли-оптимал ечимларга мос келадиган мақсад функциясининг математик кутилмалари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$MB_i = \sum_{j=1}^m \sum_{k=1}^n p_j p_k B_{ijk}, \quad m=1, 2, \dots, m \cdot n. \quad (7)$$

Ҳисоблаш ва экспериментал тадқиқотлар асосида, юкламалар эҳтимолли хусусиятга эга тугунлар сонининг кўпайиши билан бирга, натижада пайдо бўлган матрицанинг ўлчами ва шунга мос равишда амалга ошириладиган ҳисоблашлар ҳажми ҳам кескин ошиши аниқланди, аммо замонавий ҳисоблаш машиналарининг имкониятлари тенгсизликлар кўринишидаги функционал чегаравий шартлар бўлмаган тақдирда масалани самарали ечишга имкон беради.

(4)- чегаравий шартни мавжудлиги шароитида, тавсифланган алгоритм бўйича ҳисоб-китоблар натижасида чегаравий шартлар бузилган, ёки рухсат этилмаган ечимларни олиш мумкинлиги аниқланди.


Ушбу муаммони бартараф этиш учун, диссертация ишининг ушбу бобида тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки маълумотларнинг эҳтимоллиги шароитида ЭЭТ режимларини оптималлаштиришнинг янги алгоритми таклиф этилди. Ушбу алгоритмнинг йириклаштирилган блок схемаси 1-расмда келтирилган.

Таклиф этилаётган алгоритмнинг самарадорлиги таркибида, тўртта ҳисобий ИЭС, қувватлари эҳтимолий хусусиятга эга бўлган тўртта юклама тугунлари, учта бошқариладиган электр узатиш линияларидан иборат бўлган ЭЭТнинг қисқа муддатли ҳолатини оптималлаштириш мисолида ўрганилди:

$$P_{6-3} \leq 470 \text{ МВт}, \quad P_{6-5} \leq 95 \text{ МВт}, \quad P_{0-3} \leq 150 \text{ МВт}.$$

1-жадвалда юқорида таклиф этилган алгоритмга мувофиқ олинган шартли-оптимал ечимлар билан бошқариладиган электр узатиш линияси 6-3 бўйлаб қувват оқимлари кўрсатилган.

Юқорида тавсифланган алгоритмга асосан, 2, 4 ва 5 шартли-оптимал ечимлар кейинги ҳисоб-китобларда қатнашмайди, чунки ушбу шартли-оптимал ечимларда бошқариладиган электр узатиш линияларидаги чегаравий шартлар бузилган. Шунга кўра, қолган иккита шартли-оптимал ечимлар 1 ва 3 орасидан



**1-расм. Тугун юкламалари ҳақида дастлабки маълумотлар эҳтимолли характердаги шароитларда ЭЭТ режимларини оптималлаштириш алгоритмининг йириклаштирилган блок схемаси**

нативавий оптимал ечимни излаймиз. Таклиф этилган алгоритмга асосан улар учун математик кутилмалар  $MB_1 = 2312,37$  т.ш.й./с. (тонна шартли

ёқилғи/соат) ва  $MB_3 = 2304,68$  т.ш.й./с, ларни таққослаш натижасида, мақсад функциясининг математик кутилмаси 3-шартли-оптимал ечим учун минимал бўлганлиги учун, 3-шартли-оптимал ечимни натижавий оптимал ечим сифатида қабул қиламиз.

1-жадвал

**Олинган шртли-оптимал ечимларда  $P_{6-3}$  бошқариладиган электр узатиш линияси орқали оқадиган қувват оқими**

Режа рақами	ЭЭТнинг мумкин бўлган юкламалари, МВт				
	1620	1710	1800	1890	1980
	ЭЭТ юкламасининг пайдо бўлиш эҳтимоли				
	0,12	0,242	0,3	0,242	0,12
	$P_{6-3}$ электр узатиш линияси орқали қувват оқими, МВт				
1	459,5	427,8	417,5	407,8	396,1
2	<b>472,2</b>	465,0	<b>471,2</b>	461,3	451,1
3	379,6	454,1	469,8	434,1	422,4
4	<b>586,0</b>	<b>575,1</b>	<b>564,8</b>	470,0	<b>544,9</b>
5	<b>590,2</b>	<b>580,3</b>	<b>562,3</b>	451,6	470,0

Диссертация ишининг учинчи «Дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида электр энергетика тизимлари режимларини оптималлаштириш» бобида, дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида ЭЭТ режимларини оптималлаштириш масалалари ўрганилган. Дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги билан, одатда, унинг мумкин бўлган ҳақиқий қийматлари оралиғининг фақат минимал ва максимал чегара қийматлари маълум бўлади.

ЭЭТ режимларини оптималлаштириш масалаларида кузатиладиган одатий ҳолат учун дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида оптималлаштириш моҳиятини кўриб чиқамиз, бу ерда кўпинча юклама маълум бир интервал  $[P_{\min}, P_{\max}]$  шаклида берилади, ушбу қийматларнинг пайдо бўлиш эҳтимоликлари маълум эмас. Бундай ҳолда, берилган интервалда масалани ечиш учун юклама қийматлари тўплами танланади, шунингдек, маълум бир ораликдаги мумкин бўлган юклама қийматлари сонини оптималлаштириш масаласини ечишнинг керакли аниқлиги ва бажарилган ҳисоблаш операцияларининг қабул қилинадиган миқдорини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда танлаш тавсия этилади.

Қабул қилинган юклама қийматлари  $P_k = \{P_1, P_2, \dots, P_n\}$  учун белгиланган вақт оралиғида аниқ оптималлаш масаласи  $n$  марта ечилади. Бундай ҳисоб-китоблар натижасида изланаётган катталиқнинг мос оптимал қиймат  $z_k = \{z_1, z_2, \dots, z_n\}$  лари олинади. Сўнгра олинган шартли-оптимал ечимлар учун мақсад функциясининг қийматлари  $B_{kj} = f(z_k, P_j)$ ,  $k = 1, 2, \dots, n$ ;  $j = 1, 2, \dots, n$ ;

ҳисобланади, натижада  $n \cdot n$  ўлчамдаги матрица ҳосил қилинади. Ҳосил қилинган матрицадан фойдаланган ҳолда шартли-оптимал ечимлар орасидан натижавий оптимал ечимни қўшимча мезонлардан фойдаланмасдан топиш мумкин эмас, чунки бошланғич юкламанинг номаълум эҳтимолликлари билан мақсад функциясининг турли қийматлари  $B_{kj}$  ечимларни реализациясининг турли шартларига мос келади.

Умумий ҳолатда, барча мумкин бўлган шартли-оптимал ечимлар орасида ягона оптимал ечимни танлашнинг қўшимча мезонлари сифатида минимакс мезонлари (Вальда мезонлари), минимин, Гурвиц, Лаплас-Байес ва минимакс таваккалчилиги (Севедж мезонлари) дан фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишида ушбу мезонларни таҳлил қилиш асосида минимакс мезони энг самарали деб танланган. Шу билан бирга, биз ҳар қандай режани қабул қилсак ҳам, уни амалга ошириш учун шартлар энг ёмон бўлади деган тахминдан келиб чиқамиз. Масалан, агар биз  $P_1$  юклама учун  $z_1$  режасини қабул қилсак, унда  $P_1$  юклама эмас албатта  $P_4$  юклама пайдо бўлади, лекин мақсад функциясининг қиймати ушбу режа учун барча мумкин бўлган қийматлар орасида энг юқори (агар у минималлаштирилган бўлса) қийматга эга бўлади.

Бундай ҳолда, мақсад функциясининг максимал қиймати бошқа ҳар қандай шартли оптимал ечим учун унинг максимал қийматидан кичик бўлган шартли-оптимал ечимни оптимал деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир:

$$B_{op} = \min(k) \max(j) B_{kj}, \quad (8)$$

бу ерда,  $B_{op}$  - мақсад функциясининг оптимал қиймати;  $k, j$  - шартли оптимал ечимнинг тартиб рақамлари ва уни амалга ошириш шартлари;  $B_{kj}$  -  $k$ -шартли-оптимал ечимдаги мақсад функциясининг қиймати ва уни амалга оширишнинг  $j$ -шарти.

Юқоридаги қўшимча мезонларнинг самарадорлигини баҳолаш учун ИЭСлари ўртасида ЭЭТнинг қисман ноаниқ юкламасини оптимал тақсимлашнинг турли масалалари учун оптимал режани танлаш ва эквивалент ёқилғининг мумкин бўлган ортиқча харажатларини ҳисоблаш, унинг энг оптимал (минимин мезони бўйича олинган) ва энг ёмони (минимакс мезони бўйича олинган) қийматлари билан таққослаганда, шартлар:

$$\Delta B_{i,\min} = \min(j) B_{ij} - \min(i) \min(j) B_{ij}, \quad (9)$$

$$\Delta B_{i,\max} = \max(j) B_{ij} - \min(i) \min(j) B_{ij}. \quad (10)$$

Минимин критерияси ёрдамида олинган *минимин*  $\Delta B_i$ , максимал эквивалент ёқилғининг мумкин бўлган максимал ортиқча сарфланиши ва кўриб чиқилган  $\Delta B_i$ , минимакс критерийси ёрдамида олинган максимал мумкин бўлган ортиқча харажатлар ўртасидаги фарқни ушбу мезон учун кафолатланган иқтисод деб аташ мумкин:

$$\Delta \Delta B_i = \min \min \Delta B_{i,\max} - \Delta B_{i,\max}, \quad i = 1, 2, \dots, 5, \quad (11)$$

2-жадвалда оптимал режани аниқлаш учун турли мезонлардан фойдаланганда энг яхши ҳолат (минимин мезонидан фойдаланган ҳолда) ва



энергетика тизимининг умумий юкламасининг мумкин бўлган оғишларида ёқилғининг мумкин бўлган ортиқча сарфланиши кўрсатилган.

Бошқа мисолларда бўлгани каби, бу ҳолатда ҳам минимакс мезонига мувофиқ олинган натижа учун максимал кафолатланган иқтисодий самара таъминланади. Шунинг учун, дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида ЭЭТ режимларини оптималлаштиришнинг кўриб чиқилган масалаларини ечиш учун қўшимча минимакс мезонидан фойдаланиш тавсия этилади.

## 2-жадвал

**Энергетика тизимининг умумий юкламасининг мумкин бўлган оғишларида ёқилғининг мумкин бўлган ортиқча сарфланиши, т.ш.й./с**

Мезон	Оптимал режалар	$\Delta B_{i,min}$ , т.ш.й./с	$\Delta B_{i,max}$ , т.ш.й./с	$\Delta \Delta B_i$ , т.ш.й./с.
минимакс (Вальда)	5	175,36	492,42	175,38
минимин	1	0,0	667,80	0,0
Гурвиц ( $\alpha=0,5$ , га тенг бўлган ҳолатда)	3	43,83	536,27	131,53
Лаплас-Байес	3	43,83	536,27	131,53
минимакс таваккалчилиги	3	43,83	536,27	131,53

Ушбу бобда, дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида ЭЭТ режимларини оптималлаштиришда тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиш масалалари ҳам ўрганилган. Қисман ноаниқлик шароитида юқоридаги оптималлаштириш алгоритми тенгсизликлар кўринишидаги функционал чегаравий шартлар бўлмаган тақдирдагина амал қилиши аниқланди. Бундай чегаравий шартлар мавжуд бўлганда, улардан фойдаланиш руҳсат этилмаган ечимларга олиб келиши аниқланди. Шу сабабли, ушбу муаммони бартараф этиш учун, дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Ушбу алгоритмга кўра, шартли-оптимал ечимлар аниқлагандан сўнг, ҳар бир чегаравий функциясининг тенгсизликлар кўринишидаги қийматларидан матрица ҳосил қилинади, уларнинг элементлари мақсад функцияси қиймати (5)га ўхшаш формулалар билан аниқланади. Кейин, ушбу матрицаларнинг элементлари бўйича қабул қилинмайдиган шартли-оптимал ечимлар аниқланади ва уларни кейинги кўриб чиқишдан чиқариб ташланади. Қолган шартли-оптимал ечимлар орасидан, натижавий оптимал ечим минимакс мезонидан фойдаланиб топилади.

Тавсия этилган алгоритмнинг самарадорлигини текшириш учун ҳисобий ИЭСни ўз ичига олган ЭЭТ ҳолатини оптималлаштириш масаласи, учта электр узатиш линияларида қувват оқимлари чегараланган ҳолат учун ечиб

кўрилди, линиялардаги қувват оқимлари ҳисобий станцияларнинг ноаниқ юкламалари ва қувватлари функциялари ҳисобланади:

$$P_{6-3} \leq 470 \text{ МВт}, \quad P_{6-5} \leq 95 \text{ МВт}, \quad P_{0-3} \leq 150 \text{ МВт}.$$

Ушбу узатиш линиялари бўйлаб қувват оқимлари қувватни тақсимланиш коэффициентларидан фойдаланган ҳолда чизиқли формулалар асосида аниқланди.

Тугун юкламаларининг белгиланган қийматлари оралиғи бешта тенг бўлакка бўлинади, ушбу юкламалар ўзгармас деб қабул қилинади. назорат қилинадиган электр узатиш линияларидаги қувват оқимларининг қийматлари матрицаси тузилиши ва оптималлаштириш натижасида: биринчи шартли-оптимал ечим ва уни амалга оширишнинг бешинчи шarti учун 6-5 ва 0-3 ( $P_{6-5}=104,8 \text{ МВт}$ ,  $P_{0-3}=153,5 \text{ МВт}$ ) узатиш линияларидаги чегаравий шартлар; тўртинчи шартли оптимал ечим ва уни амалга оширишнинг биринчи шarti билан 6-3 ( $P_{6-3}=478.3 \text{ МВт}$ ) электр узатиш линияларидаги чегаравий шарт бузилган. Шунинг учун ушбу шартли-оптимал ечимлар, таклиф этилган алгоритмга асосан кейинги ҳисоб-китобларда қатнашмайди, натижавий оптимал ечим қолган 2, 3 ва 5 шартли-оптимал ечимлар орасидан минимакс критериясидан фойдаланиб топилади:

$$\begin{aligned} \min(i)\max(j)B_{ij} &= \min(i)(B_{2\max}; B_{3\max}; B_{5\max}) = \\ \min(2345,5; 2344,4; 2355,8) &= B_{3\max} = 2344,4 \text{ т.ш.й./с.} \end{aligned}$$

Шундай қилиб, учинчи шартли-оптимал ечим оптималдир.

Диссертация ишининг ушбу бобида дастлабки маълумотларнинг қисман ноаниқлиги шароитида ЭЭТ режимларини интервалли ҳисоблаш усуллари билан оптималлаштириш масаласи ҳам ўрганилган.

Оптималлаштириш масаласи умумий кўринишда қуйидагича шакллантирилди:

Мақсад функцияси

$$Z(a_1, a_2, \dots, a_m, x_1, x_2, \dots, x_n) \rightarrow \min, \quad (12)$$

қуйидаги, тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги оддий ва функционал чегаравий шартлар

- эркли ўзгарувчиларга қўйиладиган оддий чегаравий шартлар

$$x_i^{\min} \leq x_i \leq x_i^{\max}, \quad i = \overline{1, n}, \quad (13)$$

- эркли ўзгарувчиларнинг баъзи функцияларига қўйилган тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартлар

$$f_j(a_1, a_2, \dots, a_m, x_1, x_2, \dots, x_n) = \bar{f}_j, \quad j = \overline{1, N}, \quad (14)$$

$$g_l(a_1, a_2, \dots, a_m, x_1, x_2, \dots, x_n) \leq \bar{g}_l, \quad l = \overline{1, L}, \quad (15)$$

ни ҳисобга олиб минималлаштирилсин,

бу ерда:  $\bar{f}_j, \bar{g}_l$  - функциялар чегаравий шартларининг белгиланган қийматлари.

Дастлабки катталикларнинг  $a_1, a_2, \dots, a_m$  қисман ноаниқлиги шароитида уларнинг минимал ва максимал мумкин бўлган қийматлари маълум бўлганда, барча функциялар, хусусан, мақсад функцияси ва чегаравий функциялар ҳам қисман ноаниқ бўлади. У ҳолда юқорида тавсифланган мақсад функцияси

қисман ноаниқ катталиқларнинг мумкин бўлган минимал ва максимал қийматлари орқали аниқланган мақсад функцияларини минималлаштиришга келтирилади. Бунда

$$Z(a_1^{\min}, a_2^{\min}, \dots, a_m^{\min}, x_1, x_2, \dots, x_n) \rightarrow \min, \quad (12a)$$

$$Z(a_1^{\max}, a_2^{\max}, \dots, a_m^{\max}, x_1, x_2, \dots, x_n) \rightarrow \min, \quad (12б)$$

функциялари чегаравий шартлар (13)ни ва бошланғич катталиқларнинг минимал ва максимал мумкин бўлган қийматлари билан белгиланадиган функцияларга қўйилган тенглик ва тенгсизликлар кўринишидаги функционал чегаравий шартлар

$$f_j(a_1^{\min}, a_2^{\min}, \dots, a_m^{\min}, x_1, x_2, \dots, x_n) = \bar{f}_j^{\min}, \quad j = \overline{1, N}; \quad (14a)$$

$$f_j(a_1^{\max}, a_2^{\max}, \dots, a_m^{\max}, x_1, x_2, \dots, x_n) = \bar{f}_j^{\max}, \quad j = \overline{1, N}; \quad (14б)$$

$$g_l(a_1^{\min}, a_2^{\min}, \dots, a_m^{\min}, x_1, x_2, \dots, x_n) \leq \bar{g}_l^{\min}, \quad l = \overline{1, L}; \quad (15a)$$

$$g_l(a_1^{\max}, a_2^{\max}, \dots, a_m^{\max}, x_1, x_2, \dots, x_n) \leq \bar{g}_l^{\max}, \quad l = \overline{1, L}. \quad (15б)$$

ни ҳисобга олган ҳолда минималлаштирилади.

Олинган оптималлаштириш масаласининг ечими (12a) - (15б) иккита аниқ оптималлаш масаласининг эквивалент ечимига алмаштирилади. Биринчи масалада мақсад функция (12a) шаклида ифодаланади ҳамда чегаравий шартлар (13), (14a) ва (15a) дан иборат бўлади. Иккинчи масалада мақсад функция (12б) шаклда, чегаравий шартлар (13), (14a) ва (15б) кўринишида бўлади. Ушбу иккита аниқ оптималлаш масаласини ечиш натижасида изланаётган бошқариладиган катталиқларнинг интервал қийматлари аниқланади. Бундай ҳолда, интервалларнинг пастки чегара қийматлари биринчи масалани ечиш натижасида, юқори чегара қийматлари эса иккинчи масалани ечиш натижасида олинади. Қўйилган масаланинг якуний ечими учун барча белгиланган чегаравий шартлар бажариладиган битта нукта олинади. Ушбу нуктанинг координатлари олинган интервалларда изланаётган катталиқларнинг қийматлари билан аниқланади. Мақсад функциясининг қиймати оптимал ечим нуктасида интервал сифатида қабул қилинади, унинг чегаралари биринчи ва иккинчи аниқ оптималлаш масалаларини ечиш натижасида ҳосил қилинади.

Таклиф этилган алгоритмга асосан, ЭЭТ режимларини оптималлаштиришда тажрибалар асосида қуйидаги хусусиятлар аниқланди.

Тенглик кўринишидаги чегаравий шартлар энергетика тизимидаги актив қувват балансининг шартини ифодалаганлиги сабабли (14a) ва (14б) чегаравий шартларнинг чап томонлари бир хил. Актив қувватлар бўйича чегараланган тугунларнинг интервалли юкларлари билан боғлиқ ташкил этувчиларини бошқариладиган линиялардаги қувват оқимларида тенгсизлик кўринишидаги шакл алмаштиришлар(15a) ва (15б) натижасида, уларнинг чап томонлари бир-хил бўлади. Бундай ҳолда, ҳар-бир аниқ оптималлаш масаласида битта тенглик кўринишидаги чегаравий шарт иштирок этади. (15a) ва (15б) дан олинган тенгсизлик кўринишидаги чегаравий шартларнинг чап томонлари бир-хил бўлганлиги сабабли, ушбу чекловлардан бири, ўнг томони кичик бўлган чегаравий шарт иккала аниқ оптималлаш масаласида

